

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ҲИСОБ ВА АУДИТ ФАКУЛЬТЕТИ

РЕФЕРАТ

Бажарди: ҲБА-52 гуруҳ талабаси

Султонов Т.

Текширди: к.ўқит. Жуманазаров С.

ТОШКЕНТ – 2016

Мавзу: Молиявий қўйилмалар ҳисоби
Режа

1. Инвестиция тушунчаси, унинг турлари ва шакллари
2. Молиявий қўйилмалар ҳисобини юритиш тартиби
3. Миллий стандартлар асосида молиявий қўйилмаларни баҳолаш тартиби

1. Инвестиция тушунчаси, унинг турлари ва шакллари

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида республикаимиз иқтисодиётида тармоқлар ва тармоқлараро пропорцияларда ижобий ўзгаришлар юз бермоқда, янги тармоқлар бунёд этилмоқда, қўшма корхоналар сони ошиб бормоқда. Иқтисодий ўсишга катта миқдорида инвестициялар ажратилди. Республикаимиз иқтисодиётига сафарбар этилган йирик миқёсда инвестициялар импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришнинг барпо қилиниши ва янги маҳсулот турларининг ўзлаштирилиши билан боғлиқ бўлди.

Бундай тузилмавий ўзгартиришлар жаҳон хўжалигига кириб бориш, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришиш имкониятларини яратади.

Инвестициялашнинг устувор йўналишларини аниқ белгилаш, илмий асосланган инвестиция қарорларини қабул қилиш инвестиция фаолиятини оқилona тартибга солиш асосида ички ва ташқи молиявий манбаларнинг барча шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда жалб қилиш миллий иқтисодиётнинг келажагини белгилайди. Мамлакатимиз инвестиция фаолиятида айниқса хорижий инвестициялар иштироки кучайиб бормоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бевосита хорижий инвестициялар тўғрисида фикр билдириб, «Жадал ва мутаносиб иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодиётни диверсификация қилишда фаол ва аниқ йўналтирилган инвестиция сиёсати юритиш энг муҳим омил ҳисобланади»¹, – деб баҳолайди.

Инвестиция фаолиятидаги бурилишлар, таъкидланган вазифаларни ечиш; инвестициялашнинг давлат механизмини эркинлаштириб бориш ва бозор механизмларида қўлланиладиган соҳаларни кенгайтириш; инвестициялашни ўз жамғармалари ҳисобидан таъминлашнинг самарали

¹ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. – Т.: “Халқ сўзи” газетаси. 2015 йил 17 январь.

механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш; лойиҳавий, корпоратив молиялаштириш, лизинг каби янги усуллардан фойдаланиш соҳаларини кенгайтириш талаб қилинади.

Охирги йиллар давомида бозор ислохотларининг зафарли юриши натижасида «инвестициялар» атамаси кенг қўлланиладиган тушунчалардан бири бўлиб қолди.

Ҳар тарафлама асосланган, пухта ўйланган инвестиция қарорларини инвестицияларни молиялаштиришнинг ишончли манбалари билан чамбарчас боғлиқликда қабул қилиш зарурлигини ва чет эл капиталини жалб қилишнинг кенгайиб бораётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳозирги замон молия назарияси нуктаи назаридан инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни ва моҳиятини очиб бериш, уларнинг энг муҳим сифат тавсифларини аниқлаш ғоят долзарб масала ҳисобланади.

Инвестицияларнинг мазмун ва моҳиятини аниқ очиб бериш учун пул оқимларининг замонавий ва бўлажак қийматларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Иқтисод фанларининг турли тармоқларида, амалий фаолиятнинг турли йўналишларида инвестициялашнинг мақсадлари, ҳаракатлар йўналиши, соҳалар хусусиятлари, сафарбар этилиш объектлари, ҳаракат йўналишларидан келиб чиқиб ва аҳамиятига қараб «инвестициялар» тушунчаси ўзига хос маънода ишлатилади. Молия нуктаи назаридан уларнинг мазмун ва моҳиятини аниқ белгилаш муҳим вазифа ҳисобланади.

Инвестициялар бўлажак натижаларни қўлга киритиш мақсадида, моҳиятан ҳозирги ҳаражатларни билдиради.

«Инвестициялар» атамаси лотин тилидаги «Invest» сўзидан келиб чиққан бўлиб «қўйиш», «маблағни сафарбар этиш» маъносини билдиради. Кенг маънода инвестициялар кўпайтириб қайтариб олиш мақсадларида капитални боғлашни билдиради. Кўпгина ҳолларда «инвестициялар» тушунчаси иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган

моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар тарзида таърифланади.

Инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни ва моҳиятини кўриб чиқишда шуни таъкидлаш лозимки, иқтисодий адабиётларда «инвестициялар» атамасини «капитал қўйилмалар», «капитал» тушунчалари билан айнан маъноларда қўллаш ҳолатлари кўп учрайди. Бундай ҳолларда инвестициялар асосий капиталга маблағлар қўйиш маъносида талқин қилинади. Айни пайтда шуни ҳам назарда тутиш керакки, инвестициялар номоддий активларга ҳам, интеллектуал мулкка ҳам, айланма активларга, шу жумладан молиявий воситаларга ҳам тааллуқли.

Макроиқтисодий даражада инвестициялар дейилганда ишлаб чиқариш воситаларини такрор ишлаб чиқаришга, яъни уй-жой биноларини, товар захираларини кўпайтириш ва шу кабиларга йўналтирилган харажатларининг бир қисми тушунилади.

Ишлаб чиқаришнинг омилларидан бири капитал ҳисобланади, капитал эса биринчи навбатда инвестициялар ҳисобига ўсиб боради.

Айрим иқтисодчилар шу нуктаи назардан инвестицияларни капитални ўстириш ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янгилаш ва техника билан қайта қуроллантиришга йўналтириладиган жами моддий, меҳнат ва молия ресурсларидан фойдаланиш жараёни тарзида изоҳлайдилар².

Биз инвестициялар фақат ишлаб чиқаришни қўлайлаштириш, қоплаш, кенгайтириш, янгилаш ва техника билан қайта қуроллантиришга ёки асосий капиталга йўналтирилади деган фикрларга қўшила олмаймиз.

Инвестиция киритиш мақсадлари ва улар билан боғлиқ рисклардан келиб чиққан ҳолда инвестициялар венчур (рискли), бевосита, портфель ва аннуитет каби турларга таснифланади. Маълумки, катта рисклар билан

² Павлова Л.И. Финансовый менеджмент. Управление денежным оборотом предприятия: Учебник для 134306, М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 2009. 194 стр.

боғлиқ бўлган, янги фаолият соҳаларида янги акциялар чиқариш венчур капитал шакли ҳисобланади.

Бевосита инвестициялар эса иқтисодий субъектнинг устав капиталига даромад топиш ва ҳўжалик юритувчи субъектни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини олиш мақсадларида қаратиладиган инвестициялардир. Улар ресурсларни янги лойиҳаларга жалб қилиш, замонавий техникаларни киритиш, молиявий ресурсларни харид этиш, яъни акцияларни сотиб олиш, қўшилиш, қўшиб олиш, мавжуд капитални харид этиш ва бошқа йўллар орқали амалга оширилади.

Портфель инвестициялар молиявий ресурсларни диверсификация асосида портфелни шакллантириш билан боғлиқ ва инвесторнинг аниқ бир инвестиция мақсадларига ёки уйғунлашган мақсадларига эришиш учун хизмат қиладиган турли бойликларнинг бир бутун қилиб йиғилган мажмуидан иборат.

Аннуитет инвесторга мунтазам равишда белгиланган муддатларда муайян даромад келтирувчи инвестициялардир.



3-чизма. Инвестициялар таснифи.

Инвестицияларнинг моҳиятини янада тўлароқ очиб бериш учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунига мувофиқ уларнинг таснифини, шунингдек, бу масала бўйича иқтисодий адабиётларда мавжуд бўлган қарашлар нуктаи назарларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир

Инвестицияларни киритишнинг асосий мақсади фақат капиталнинг ҳозирги қийматини сақлаб қолишдангина иборат бўлмай, қўйилмаларнинг хавфсизлиги, даромаддорлиги ва уларни кўпайтиришни (капиталлаштиришни) ҳам қамраб олади.

Демак, инвестицияларнинг асосий мақсади пул оқимларининг замонавий қийматини сақлаб қолиш ҳамда улар натижаларидан кутиладиган бўлажак қийматларни капиталлаштиришдир.

Улар муайян мақсадларни кучли ва жамғариш функцияларини таъминлайди. Инвестицияларга хос бўлган муҳим белги-бу уларнинг муайян вақт давомида замонавий қийматини сақлаш мақсадларида танланган активларда банд қилиниши, уларнинг капиталлашуви ва жамғарилишини кўпайтириш ҳисобланади ҳаракатсиз капиталдан инвестицияларнинг фарқи шундаки, улар аниқ ва ноаниқ бўлган рисклар ҳисоб-китоб, қабул қилинган инвестициявий қарорлар асосида муайян активларга боғланишига тайёрлиги билан фарқланади. Бу белгилар инвестицияларни капиталдан ажратиб туради.

Шунингдек, инвестициялар кредитлардан ҳам фарқ қилади. Кредитлашда келишув ташаббускори, одатда қарздор ҳисобланади, инвестициялашда эса ташаббускор инвестордан чиқади. Кредитга фоиз кўринишидаги тўлов хос бўлса, инвестицияларни дивиденд, фойда, фоиз, даромад, моддий неъмат, ижтимоий, экологик ва бошқа самаралар кўринишидаги натижалар кутади. Мазкур белгилар бўйича инвестиция ва кредит бир-биридан фарқланади.

Инвестициялар мазмуни уларнинг намоён бўлиш шакллари орақали, мақсади эса уларнинг асосий функцияси – жамғариш билан аниқланади.

Инвестицияларнинг мазмуни аниқ ва ишончли манбалардан маблағлар олиш, уларни асосли ҳолда сафарбар этиш, рисклар даражасини ҳисобга олган ҳолда капитал қийматини сақлаш ва кўзланган самарани олишдан иборат бўлади. Ана шу белгиларга кўра инвестициялар бошқа қўйилмалардан мазмунан фарқ қилади. Буларнинг барчаси асосида капиталнинг ҳаракатланиши жараёни ётади. Капиталнинг эса ҳаракат қилиш жараёнга жалб этилиши инвестицияларни моҳиятини акс эттиради.

Демак, инвестициялар аниқ ва ноаниқ, лекин эҳтимол рисклар остида капитални муайян жараёнларга, муайян вақтга боғлаш бўлиб, унинг ҳозирги қийматини сақлаш, капиталлаштириш ва жамғариш мақсадига қаратилади.

Инвестицияларнинг иқтисодий мазмунига кўра қуйидаги турлари мавжуд:

- реал инвестициялар;
- молиявий қўйилмалар;
- интеллектуал инвестициялар

Реал инвестициялар – бу корхона асосий воситаларини вужудга келтириш ва такрор ишлаб чиқаришга, шунингдек, моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа шакллари ривожлантиришга қўшиладиган инвестициялардир. Бухгалтерия ҳисобида бу турдаги инвестициялар капитал қўйилмалар сифатида эътироф этилади.

Молиявий қўйилмалар – даромад олиш (худди фоизлар, дивидентлар ва ижара ҳақи сингари) ва асосий капитал қийматини кўпайтириш мақсадида унинг тасарруфида бўлган корхона активларидир.

Интеллектуал инвестициялар – бу корхонанинг интеллектуал бойликларини харид қилишга сарфланган маблағларидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида молиявий қўйилмалар муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Молиявий инвестиция юридик ва жисмоний шахсларнинг

ихтиёрида мавжуд бўлган бўш пул маблағларида самарали фойдаланишни таъминлайди.

Молиявий қўйилмалар жорий (қисқа) ва узоқ муддатли инвестицияларга ажратилади.

Жорий (қисқа) инвестициялар-эркин сотиладиган ва бир йилдан кўп бўлмаган муддатда эгалик қилишга қаратилган қимматли қоғозлардир, улар одатда бозор (ликвидли) қимматли қоғозлари деб аталади. Бозор қимматбаҳо қоғозлари кўп ҳолларда бўш турган нақд пулларни вақтинча қўйилмаси бўлади. Улар шунингдек, бино, асбоб-ускуналар қўйилиши кутилаётган капитал ҳам бўлиши мумкин.

Жорий (қисқа) инвестициялар улиши, қарз ва қимматли қоғозлари билан акс эттирилиган бўлиши мумкин.

Улушли қимматбаҳо қоғозлар одатда оддий ва имтиёзли акциялар билан ифодаланади.

Қарз қимматли қоғозлари одатда облигациялар, хазина векселлар, депозит сертификатлари ва ҳакозолар билан ифодаланади.

Узоқ муддатли инвестициялар - бир йилдан узоқ бўлган муддатда эгалик қилишга мўлжалланган қимматли қоғозларга қўйилган инвестициялардир. Улар одатда инвестицион портфелда улушли (акциялар) ва қарз (узоқ муддатли облигациялар) қимматли қоғозлар билан ифодаланган бўлади.

Корхона ихтиёрида бўлган қимматли қоғозларнинг барчаси инвестицион портфель дейилади.

Қимматли қоғоз—бу шу қоғоз эгасининг қимматли қоғозни чиқарган шахсда қарзи ёки мулкида улуши борлигини тасдиқловчи ҳужжатдир.

2. Молиявий қўйилмалар ҳисобини юритиш тартиби

Ўзбекистонда рўй бераётган иқтисодий ислохотлар қимматли қоғозларга бўлган қизиқишни қайта уйғонишига сабаб бўлади. Қимматли қоғозларнинг турли бозори шаклланди ва ривож топди.

Мулкчилик турли шаклидаги корхоналарда қимматли қоғозларнинг бухгалтерия ҳисоби бўйича муомалалар ягона (умумий) тамойиллар асосида амалга оширилиши лозим. Қимматли қоғозларга йўналтирилган молиявий қўйилмаларнинг ҳисоби қимматли қоғозларнинг қопланиш муддати, уларнинг тури (иқтисодий мазмуни), ҳисоб-китоб шакллари, қимматли қоғозларни сотиб олиш учун манба ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

21-сон «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётларининг режаси» БҲМС га мувофиқ 0600 “Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” счётида мамлакатимизда ва ундан ташқарида барпо этилган корхоналарнинг қимматли қоғозларга, шўъба, қарам бўлган жамиятларнинг ҳамда чет эл сармояли корхоналарнинг низом капитали (жамғармаси) га узоқ муддатли қўйилмалар (инвестициялар) ни мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумот қуйидаги ҳисобварақларидан келиб чиқиб умумлаштирилади:

0610- “Қимматли қоғозлар”;

0620- “Шўъба корхоналарга инвестициялар”

0630- “Қарам бирлашмаларга инвестициялар”

0640- “Қўшма корхоналарга инвестициялар”

0690- “Бошқа узоқ муддатли инвестициялар”.

0610-“Қимматли қоғозлар” счётида акционерлик жамиятларининг акциялари, облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлари (опцион, фьючерс ва бошқалар) га узоқ муддатли молиявий қўйилмаларнинг мавжудлиги ва ҳаракати акс эттирилади.

0620 – «Шўъба корхоналарига инвестициялар», 0630 – «Қарам бирлашмаларга инвестициялар» счётларида мос равишда шўъба, қарам ва

кўшма корхоналарга инвестицияларнинг мавжудлиги ва ҳаракати акс эттирилади.

0690 – «Бошқа узоқ муддатли инвестициялар» счётида келажакда молиявий даромад олиш мақсадида корхонанинг давлат корхонасига, хайрия ёки экология ташкилотларига инвестицияларнинг мавжудлиги ҳисобга олиб берилади.

Бу счётлар актив бўлиб, дебетдаги қолдиқлар ҳар ойнинг бошига корхона томонидан сотиб олинган қимматли қоғозлар қийматини ифодалайди. Дебет томонидаги обороти ой давомида сотиб олинган қимматли қоғозлар қийматини, инвестиция учун сарфланган маблағлар миқдорини, кредит томонидаги оборотлар ҳисобдан чиқарилган сотиб юборилган, қайтариб берилган қимматли қоғозлар қийматини ёки инвестицияларнинг узилишини акс эттиради.

Активларни инвестициялар қаторига қўшиш тартиби ва уларнинг турлари 12-сон «Молиявий қўйилмалар ҳисоби», 8-сон «Консолидациялаштирилган (умумлаштирилган) молиявий ҳисоботлар ва шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар ҳисоби» Ўзбекистон Республикасининг БҲМСлари орқали тартибга солинади.

0600 «Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб узоқ муддатли молиявий инвестициялар ва улар жойлаштирилган объектлар (қимматли қоғозларни сотувчи корхоналар ва бошқа корхоналарни қатнашчилари орасида бўлган корхона ва ҳ.к.) турлари бўйича амалга оширилади. Бу ҳолатда аналитик ҳисобни ташкил этиш мамлакатимиз ҳудуди молиявий қўйилмалар тўғрисидаги маълумотларни олиш имкониятини танлаб бериши керак.

Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар – ўзида муомала муддати 12 ойдан ошмайдиган, енгил сотиладиган молиявий қўйилмаларнинг харид қилинишига оид инвестициялардир. Уларнинг статистик ҳисоби 5800 – «Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар» счётида юритилади. Ушбу счёт

муддатли бўлиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицияларни, яъни бошқа бир корхоналарнинг қимматли қоғозлари, фоизли давлат ва маҳаллий облигациялари, шунингдек, бир корхонанинг бошқа корхонага берган қарзларининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотлари умумлаштириш учун хизмат қилади. Ушбу счёт фоизли облигацияларга инвестициялар ва шу каби қимматли қоғозлар, шунингдек, бошқа корхоналарга берилган қарзнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун хизмат қилади.

Агарда фоизли облигацияларга инвестициялар ва шу каби қимматли қоғозлар, шунингдек, бошқа корхоналарга берилган қарзларни қайтариш муддати бир йилдан ошмасагина, бу инвестициялар 5800-«Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар» счётида ҳисобга олиб борилади. Бундан ташқари қайтариш муддати кўрсатилмаган бошқа қимматли қоғозлар учун инвестициялар, агар улардан даромад олиш мўлжали бир йилдан ортиқ бўлмаса ҳам корхоналар 5800- «Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар» счётида статистик ҳисобини олиб борадилар.

Счётлар режасига мувофиқ ушбу счёт бўйича қуйидаги счётлар очилиши мумкин:

5810 – «Қимматли қоғозлар»

5830 – «Берилган қисқа муддатли қарзлар»

5890- «Бошқа жорий инвестициялар».

Корхоналарда 5810- «Қимматли қоғозлар» счётида акция, давлат ва маҳаллий заёмларнинг фоизи облигацияларга бир йилдан кам муддатга қилинган инвестицияларнинг ҳолати ҳисобига олиб борилади.

Корхоналар даромадли ва барқарор фаолият юритувчи бошқа бир корхоналар акция ёки облигацияларни бир йилдан кам муддатга харид қилганда 5810- «Қимматли қоғозлар» счёти рағбатланиб, 5110 – «Ҳисоб-китоб» счёти, 5210- «Валюта счёти» ёки бошқа материал ва ҳар хил қийматликларни ҳисобга олувчи счётлар кредитланади.

Ушбу қимматли қоғозларни сотиш ва қайта сотиш жараёнида 9220- «Банк активларини сотилиши ва турли чиқими» счёти дебетланиб, 5810 – «Қимматли қоғозлар» счёти кредитланади.

5830 –«Берилган қисқа муддатли қарзлар» счётида корхоналарнинг бошқа бир корхонага берган қисқа муддатли қарзларининг ҳаракати ҳисобига олинади.

Ушбу берилган қарзларга қуйидагича: дебет 5830- «Берилган қисқа муддатли қарзлар» счёт, 5110- «Ҳисоб-китоб счёти» ёки бошқа счётлар ёзуви берилади.

Корхоналар берган қарзлари қайтариб берилганда 5110- «Ҳисоб-китоб счёти» дебетланиб, 5830 - «Берилган қисқа муддатли қарзлар» счёти кредитланади. 5890-«Бошқа жорий инвестициялар» счётида корхоналарнинг мамлакат ва чет эл валюталарида омонат сертификатлари, банклардаги депозит счётларига қилинган инвестицияларнинг ва бошқа жорий инвестицияларнинг ҳаракати ҳисобига олинади. Корхоналарда 5800-«Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар» счёти бўйича аналитик ҳисоб инвестициялар ва объектларнинг турлари бўйича яъни сотиб олинган қимматли қоғозлар турлари ва уларни чиқарган корхоналар бўйича юритилади.

Масалан, корхоналар 5810- «Қимматли қоғозлар» счётида алоҳида «Давлат облигациялари» маҳаллий заём облигацияси», «Корхоналар облигацияси», шунингдек акциянинг турлари бўйича «Оддий акциялар» ва «Имтиёзли акциялар» унинг объектлари очиб, уларнинг ҳаракатини ҳисобга оладилар. 5830- «Берилган қисқа муддатли қарзлар» счётида аналитик ҳисоб қарзларини олган корхоналар бўйича берилган қарзни қайтариб олиш муддатлари бўйича юритилади.

1-жадвал

**5800 – «Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар» счёти бўйича счётлар
корреспонденцияси**

№	Хўжалик муомалаларнинг мазмуни	Счётлар кореспонденцияси	
		Дебет	Кредит
1.	Асосий воситаларни бериш ҳисобига қимматли қоғозларнинг қабул қилиниши	5810	9210
2.	Номоддий активларни бериш ҳисобига қимматли қоғозлар қоғозларнинг қабул қилиниши.	5810	9220
3.	Қимматли қоғозларни уларнинг қийматини ҳисоб-китоб ва валюта счётларидан тўлаш орқали харид қилиниши.	5810	5110, 5210 5220
4.	Қимматли қоғозларнинг нақд пул ҳисобига харид қилиниши	5810	5010
5.	Қимматли қоғозларнинг сотилиши	5110	5810
6.	Бошқа корхоналардан қисқа муддатли қарзларнинг қайтарилиши.	5110	5830
7.	Мол етказиб берувчилардан бўлган қарзнинг қимматли қоғозларни бериш ҳисобига узилиши	6010	5810

Корхоналарда очилган аналитик счётлар мамлакат ҳудудидаги ва чет элдаги қисқа муддатли молиявий қўйилмалар тўғрисидаги маълумот олиш имконини бериш керак.

3. Миллий стандартлар асосида молиявий қўйилмаларни баҳолаш тартиби

Акциялар, облигациялар ва унга ўхшаш қимматли қоғозлар 0610 “Қимматли қоғозлар” счётининг дебети бўйича сотиб олинган қийматида ҳисобига олинади ва қимматли қоғозлар ҳисобига олинган аввалги счётлари кредитида уларнинг ҳисобига берилган қийматликлар акс эттирилади. Корхона томонидан узоқ муддатли молиявий қўйилмалар учун маблағлар ўтказилса, лекин ҳисобот даврида корхонага уларга эгалик ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлар (акциялар, облигациялар, бошқа корхоналарга ўтказилган қўйилмалар суммаси гувоҳномалар ва бошқалар) олинмаса, булар 0610 “Қимматли қоғозлар” счётида алоҳида кўрсатилади. Агарда, корхоналар томонидан сотиб олинган акциялар, облигациялар ва бошқа шунга ўхшаш қимматли қоғозлар тўлиқ қиймати номинал қийматидан юқори бўлса, у ҳолда ҳар сафар уларга тўғри келадиган даромад ҳисобланганда харид қилиш ва номинал қийматлар орасидаги фарқи қуйидагича бухгалтерия ёзувлари орқали ҳисобдан чиқарилади:

Дебет 0690- «Молиявий фаолият бўйича бошқа ҳаражатлар»,

Кредит 0610 -«Қимматли қоғозлар».

Агарда, корхона томонидан харид қилинган облигациялар ва бошқа шунга ўхшаш қимматли қоғозларнинг харид қиймати уларнинг номинал қийматидан паст бўлса, у ҳолда ҳар сафар уларга даромад ҳисобланганда харид қилиш ва номинал қийматлар орасидаги фарқнинг бир қисми қайта ҳисобланади (тўлдирилади) ва қуйидагича бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади:

Дебет 0610- «Қимматли қоғозлар»,

Кредит 9590- «Молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар».

Қимматли қоғозлар даромад ҳисобланганда (олинадиган даромад миқдорида) бухгалтерия ҳисобидан қуйидагича акс эттирилади:

1. Облигациялар учун олинадиган фоизлар:

Дебет 4830- «Олинадиган фоизлар»,

Кредит 9530- «Фоиз кўринишидаги даромад».

2. Акциялар учун олинадиган дивидендлар:

Дебет 4840 –«Олинадиган дивидендлар»,

Кредит 9520- «Дивиденд кўринишидаги даромад»

Қимматли қоғозларга дивиденд ҳисобланганда халқаро молиявий ҳисоботлар стандартларга мувофиқ иккита усулдан фойдаланиш мумкин:

1. Қиймат усули. Ушбу усул қўлланганда, инвестор ўз маблағини бошқа корхонага дастлабки қиймати бўйича қўяди. Унинг асосий тамойилари шундан иборатки, инвестициялар қиймати шўъба тизилмаларининг молиявий аҳволидан қатъий назар ўзгармайди, улардан олинадиган дивидендлар бош жамият даромади сифатида ҳисобга олинади.

Бу усулни қуйидаги ҳолларда қўллаш тавсия этилади:

- шўъба жамиятини кейинчалик яқин келажакда сотиш учун олинган ва уни назорат қилиш ҳам вақтинчалик бўлганда;

- шўъба жамияти унинг бош жамиятига маблағ ўтказиш қобилиятини жиддий даражада камайтирилган белгиланган узоқ муддатли муҳим шароитлар доирасида фаолият юритганда. Масалан, шўъба жамиятига қарз берган ташкилот томонидан қуйиладиган дивидендларни тўлашда чеклашлар мавжуд бўлиши мумкин.

2. Улушбай иштирок усули. Бу усулни бош жамият томонидан шўъба жамиятига сезиларли даражада таъсир ўтказиш ва назорат қилиш ҳолларида қўллаш тавсия қилинади, у қуйидагилардан иборат:

- инвестицияларнинг жорий қиймати шўъба жамиятининг хўжалик фаолияти натижаларига боғлиқликда ўзгаради: у фойда олганда инвестициялар қиймати ошади, зарар эса камаяди;

- бош жамият инвестициялардан фойдани эгалик улушига муносиб равишда акс эттирилади: унинг шўъба жамиятидаги улуши қанча кўп бўлса,

бош жамият балансида инвестициялар қиймати шунча кўп суммага оширилади;

- олинган дивидендлар даромад сифатида қаралмайди, балки инвестициялар қийматини камайтириш тарзида ифодалайди.

Мисол. Бош жамият шўъба жамиятининг акцияларини 60 фоизини 28000000 сўм номинал қиймати бўйича сотиб олади ва бухгалтерия ҳисобидан қуйидагича ёзувларни амалга оширади:

Дебет 0620 - «Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар» - 28000000 сўм

Кредит 5110 - «Ҳисоб-китоб рақами» - 28000000 сўм

Ҳисобот йили тугагач, шўъба жамияти 4400000 сўм соф фойда олади ва у бош жамият назоратида бўлганлиги боис инвестициялар қийматининг ошганлигини ҳамда даромад суммасини эгалик улушига муносиб равишда, $(4400000 \times 60 \%)$ 2640000 сўмни бухгалтерия ҳисобидан қуйидагича акс эттиради:

Дебет 0620 - «Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар» - 2620000 сўм

Кредит 9590 - «Молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар» - 2620000 сўм.

Мазкур муомаладан сўнг инвестицияларнинг баланс қиймати 30620000 $(2800000 + 2620000)$ минг сўм, яъни, шўъба жамиятининг фойдаси дарҳол бир томондан – инвестициялар қийматининг ошиши, бошқа томондан – бош жамиятнинг даромади сифатида акс эттирилади. Бунда ўзига яраша мантиқ бор: шўъба жамияти бош жамият назоратида бўлади, унинг рухсатсиз бу фойдани ишлатиб бўлмайди, шунинг учун шўъба жамияти томонидан ишлаб топилган фойда бош жамият даромади ҳисобланади. Шунини таъкидлаш жоизки, шўъба жамиятидан олинган дивидендларни бош жамиятга даромад сифатида акс эттириб бўлмайди, акс ҳолда бир даромад икки марта

ифодаланган бўлади. Бунда дивидендлар инвестицияларнинг камайиши (қайтиши) сифатида эътироф этилади.

Фараз қилайлик, шўъба жамияти дивидендлар соф фойданинг 50 фоизи миқдорида, яъни 2200000 сўм тўлаш ҳақида маълум қилади. Бу ҳолатда бош жамият ўзининг улушига мутаносиб равишда-мазкур суммасининг 60 фоизини олиши ва бухгалтерия қуйидагича акс эттирилиши лозим:

Дебет 4840- «Олинган дивидендлар»- 1320000 сўм

Кредит 0620- «Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар» 1320000 сўм.

Бу муомалалардан кейин инвестицияларнинг баланс қиймати 29300000 (30620000-1320000) минг сўмни ташкил қилади. Яъни, улушбай иштирок усули бўйича шўъба жамиятига инвестициялар ҳажми шўъба жамият олган фойда (зарар) нинг тегишли улушини ундан олинган дивидендларни айирган ҳолда вақти-вақти билан узатиб борилади. Бизнинг фикримизча, ушбу усул бизнинг иқтисодиётимизда қўлланилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Юқорида кўрсатилган иккала ҳолатда: қимматли қоғозлар бўйича корхонага тегишли бўлган даромадни ҳисоблашда ҳисобдан чиқариладиган харид ва номинал қиймат ўртасидаги фарқ умумий фарқ суммасидан ва қимматли қоғозлар бўйича даромад тўлашнинг белгиланган муддатларидан келиб чиқиб аниқланади; қимматли қоғозларни сўндириш (сотиб олиш) муддатига:

1) Қиймат усулида уларнинг 0610- «Қимматли қоғозлар» счётида баҳоси миллий стандартларга асосан номинал қийматига халқаро стандартларга асосан энг паст қийматга тўғри келиш керак.

2) Улушбай иштирок усулида уларнинг 0610- «Қимматли қоғозлар» счётидаги баҳоси халқаро стандартларга асосан баланс қийматига тўғри келиши керак. Узоқ муддатли инвестицияларни сўндирилиши (сотиб олиниши) ва сотилиши қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 9220- «Бошқа активларни ҳисобдан чиқариш»,

Кредит 0600- «Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга оловчи счётлар» (тегишли счётлари бўйича).

Активларни қайта баҳолаш натижасида ташкил қилинадиган захира капиталини яратиш ва тўлдириб бориш 8510- «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётининг кредити бўйича қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ўсиши аниқланган активларнинг счётлари билан корреспондентцияланиб акс эттирилиши мақсадга мувофиқдир. Бироқ, юқорида таъкидланганидек узоқ муддатли қимматли қоғозларнинг баланс қиймати уларнинг сотилиш вақти келгунча номинал қийматига тенг бўлиши лозим. Демак, узоқ муддатли қимматли қоғозларнинг қийматини номинал баҳоси келтириш учун уларнинг баланс қиймати кўпайиши (камайтиши) 9560- «Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромад», 9690- «Молиявий фаолият бўйича бошқа сарфлар» счётлари билан корреспондентцияланади.

Қайта сотиш учун харид қилинган қимматли қоғозларни сотишдан тушган тушум 9220 - «Бошқа активларни ҳисобдан чиқаришлар» счётларининг дебети узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобига олиш счётларининг кредити билан корреспондентцияланади.

21-сонли «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётларининг режаси» бухгалтерия ҳисобининг Миллий стандартига мувофиқ, бизнингча 5810- «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётида қайта баҳолаш натижалари бўйича аниқланадиган қимматли қоғозлар қийматини ўсиши ҳисобига олиниши керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 2015.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни 13 апрел 2016 й.
3. БҲМС № 5 “Асосий воситалар”. Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 2004 йил 20 январда рўйхатдан ўтган, № 1299.
4. Гадоев Э. ва бошқалар. Бухгалтер учун амалий қўлланма: икки жилдлик. Т.: NORMA, 2010.
5. Ибрагимов А., Очилов И., Қўзиев И., Ризаев Н. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Т.: Иқтисод-молия, 2008
6. Каримов А. ва бошқ. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. - Т.: Шарқ, 2004
7. Ортиков Х.А. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланмалар тўплами. Т.: NORMA, 2010
8. Ортиков Х.А. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига шарҳлар тўплами. Т.: NORMA, 2010
9. Ғуломова Ф.Ғ. Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганиш учун қўлланма. Т.: NORMA, 2009

Интернет сайтлари

- www.gov.uz
- www.uza.uz
- www.lex.uz
- www.stat.uz
- www.ziyonet.uz